## Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича
## ШАРТНОМА № 3

Наманган шаҳри «07» Сентябр 2022 йил

Наманган Давлат университети академик лицейи номидан Низом асосида фаолият юритувчи
(муассаса номи)
Д.Хакимов (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади)

бир томондан ва «SHERALI SSS» MCHJ номидан Устав (ишончнома) асосида
(ташкилот номи)
фаолият юритувчи директор А.Шарипов (кейинги ўринларда
(Ф.И.Ш.)
Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

### I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар ҳар куни Буюртмачини уч махал иссик овкат таъминоти
(аутсорсерга ўтказилган хизмат номи)
ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий хужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:
20 22 йил «07» Сентябрдан.
20 22 йил «31» Декабргача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

### II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.2. Фойдаланишида бўлган майдони ва мол-мулкдан бепул ижара асосида фойдаланиш;

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.2. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини қоплаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига

етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16. Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш;

2.3.4. Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.4. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3. Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

## III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи 619 080 000 (Олти юз ўн тўққиз миллион саксон минг) сўмни ташкил этади.

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштиради.

3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

## IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.4. Буюртмачига ҳар чоракда бир маротаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.5. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

## V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

## VI. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга сурилади.

## VII. Якунловчи қоидалар

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

**VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати**

8.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб,иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга Шартнома 2022 йил 31-декабргача амал қилади.

**IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари**

| «Аутсорсер» | «Буюртмачи» |
|---|---|
| «SHERALI SSS» MCHJ<br>Манзил: Наманган шаҳар<br>З.М.Бобур номли маданият ва истироҳат боғи ҳудуди<br>Тел/факс 99 080 10 02 /98 771 00 20<br>Х/Р: 20208000104271540001<br>Банк номи: АТ Алоқа банк<br>Наманган филиали<br>МФО:00401 СТИР:204 610 973<br>ОКОНХ: 71300<br><br>Раҳбар:__________ А.Шарипов<br>Имзо:__________<br>М.Ў.<br>Юрист: М.Маматқобилов | Наманган Давлат Университети академик лицейи<br>Наманган шаҳри Бобуршох куча 162а уй<br>Тел:/факс 228-60-33<br>ШХВ:100110860144017090500079001<br>бюджетдан маблағ олувчи СТИР 202692827<br>ОКОНХ 92120<br>Ғазначилик бўлинмаси номи Наманган вилояти Ғазначилик бўлими<br>Ғазна х/в 23402000300100001010<br>Банкнинг номи ХККМ МБ<br>МФО:00014 ғазначилик бўлинмаси<br>СТИРи:201122919<br>Раҳбар:__________ Д.Хакимов<br>(лавозим) (Ф.И.Ш)<br>__________ (имзо)<br>М.Ў.<br>Юрист__________ С.Турсунов |

*(илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)*

Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича намунавий шартномага

ИЛОВА

**ШАРТНОМАНИНГ ПРОГНОЗ СУММАСИ**

| **Т/р** | **Ойлар** | **Ойдаги кунлар сони** | **Ўлчов бирлиги** | **Хизмат бирлиги учун нарх (сўм)** | **Хизмат бирликлари сони** | **Жами сумма ҚҚС сиз (сўм)** | **ҚҚС %** | **Жами сумма ҚҚС билан** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Январь | | | | | | | |
| 2. | Февраль | | | | | | | |
| 3. | Март | | | | | | | |
| 4. | Апрель | | | | | | | |
| 5. | Май | | | | | | | |
| 6. | Июнь | | | | | | | |
| 7. | Июль | | | | | | | |
| 8. | Август | | | | | | | |
| 9. | Сентябрь | 15 | кун | 26800 | 350 | 140 700 000 | | 140 700 000 |
| 10. | Октябрь | 17 | кун | 26800 | 350 | 159 460 000 | | 159 460 000 |
| 11. | Ноябрь | 17 | кун | 26800 | 350 | 159 460 000 | | 159 460 000 |
| 12. | Декабрь | 17 | кун | 26800 | 350 | 159 460 000 | | 159 460 000 |
| | **Шартноманинг жами суммаси** | **66** | | | | **619 080 000** | | **619 080 000** |

| «Аутсорсер» | «Буюртмачи» |
|---|---|
| «SHERALI SSS» MCHJ | Наманган Давлат Университети академик лицейи |
| Раҳбар:__________А.Шарипов | Раҳбар:__________Д.Хакимов (лавозим) (Ф.И.Ш) |
| Имзо:__________ | __________ (имзо) |
| М.Ў. | М.Ў. |
| Юрист__________ | Юрист__________ |

## Ўзбекистон Республикаси
## Наманган шаҳар ҳокимлиги

# ЛИЦЕНЗИЯ

## УС № 1132

SHERALI SSS

Мазкур лицензия билан «SHERALI SSS»

масъулияти чекланган жамияти га

улгуржи савдо фаолиятини амалга оширишга рухсат берилади.

Почта манзили: Наманган шаҳар З.М.Бобур номли маданият ва истироҳат боғи ҳудуди

СТИР: 204610973

Лицензия берилган сана: 04.06.2013

Ушбу лицензиянинг амал қилиш муддати чекланмаган.

Тартиб рақами: 1132

Шаҳар ҳокимининг
ўринбосари в.б. К.Джамалов

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

YURIDIK SHAHSNI DAVLAT RO'YHATIDAN O'TKAZISH TO'G'RISIDA

# GUVOHNOMA

Reestr № 06589 — № 6589

2013 yil "03" iyun

Mazkur guvohnoma "SHERALI SSS"

yuridik shaxsga berildi.

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat — THSHT (ОПФ) 1153

Mulkchilik shakli: Jamoa — MSHT (ФС) 142

Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili: Namangan shahar "Z.M.Bobur" nomli madaniyat va istirohat bog'i hududi — MHBT (СОАТО) 1714401

Yuridik shaxs kodi: — KTUT (ОКПО) 19100247

Asosiy faoliyat turi: Umumovqatlanish — XXTUT (ОКОНХ) 71300

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami: — STIR (ИНН) 204610973

Qo'shimcha ma'lumotlar: "SHERALI SSS" XF negizida tashkil etilgan va uning huquqiy vorisi hisoblanadi.

Vakolatli organ boshlig'i: U.Dadahodjaev

# МУХОКАМА АХБОРОТИ

“07” Сентябр 2022 йил Наманган.ш

Наманган вилояти худудидаги НамДУ академик лицейи томонидан 2022 йил “31” августдаги 22110012142378 сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича ётоқхонада яшаётган ўқувчилар учун нонушта, тушлик ва кечки овкатларнинг меню асосида иссик овкатлар тайёрлаб бериш хизмати (аутсорсинг хизмати) учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича "SHERALI SSS" МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги холатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши

мумкин хисобланиши белгилаб олинди.Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

**Давлат буюртмачи ташкилоти**

**Рахбари:** **Д.Хакимов**

**Давлат буюртмачи бош хисобчиси** **В.Мирхужаев**

# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 142378 на приобретение Аутсорсинг хизмати Бюджет маблаглари

Способ проведения электронный

Дата 31.08.2022

Время рассмотрения 31.08.2022 18:19

Конкурсная комиссия Наманган давлат университети академик лицейи, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | SATTAROV ABDURAZZAK ABDUSAMINOVICH | Сотрудник | Нам ДУ Академик лицейи |
| **Секретарь комиссии** | KENJAYEV MUXIDDINJON MIRZAYEVICH | Сотрудник | Нам ДУ Академик лицейи |
| **Член комиссии** | MUMINOV DOLIMJON SABIRJONOVICH | Сотрудник | Нам ДУ Академик лицейи |
| **Член комиссии** | YUSUPOV KOMILJON EGAMBERDIYEVICH | сотрудник | Нам ДУ Академик лицейи |
| **Председатель комиссии** | XAKIMOV DAVRONBEK RUSTAMOVICH | Сотрудник | Нам ДУ Академик лицейи |
| **Член комиссии** | TURSUNOV SOLIJON XXX | Сотрудник | Нам ДУ Академик лицейи |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 31.08.2022 года № лота 142378.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по аутсорсингу приготовления еды** |
|---|---|
| Подробное описание | Талабаларга 3 махал иссик овкат тайёрлаб бериш хизмати |
| Количество товара | 5 250.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 30 000.00 |
| Стартовая сумма | 157 500 000.00 |
| Валюта | UZS |

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по аутсорсингу приготовления еды** |
|---|---|
| Подробное описание | Талабаларга 3 махал иссик овкат тайёрлаб бериш хизмати |
| Количество товара | 5 950.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 30 000.00 |
| Стартовая сумма | 178 500 000.00 |
| Валюта | UZS |

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по аутсорсингу приготовления еды** |
| Подробное описание | Талабаларга 3 махал иссик овкат тайёрлаб бериш хизмати |
| Количество товара | 5 950.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 30 000.00 |
| Стартовая сумма | 178 500 000.00 |
| Валюта | UZS |



| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по аутсорсингу приготовления еды** |
| Подробное описание | Талабаларга 3 махал иссик овкат тайёрлаб бериш хизмати |
| Количество товара | 5 950.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 30 000.00 |
| Стартовая сумма | 178 500 000.00 |
| Валюта | UZS |



По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Академик лицей томонидан белгиланган соғлом овқатлантиришни ташкил этиш лойиҳасини (таомнома менюси ККАЛ) тақдим этилиши

Тип: Текстовое значение

Описание: Академик лицей томонидан белгиланган соғлом овқатлантиришни ташкил этиш лойиҳасини (таомнома менюси ККАЛ) тақдим этилиши

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО OZIQ-OVQAT NAM** | 10 | 1 ойлик таомнома илова килинади | 10 | Экспертная | | |
| **"SHERALI SSS" МЧЖ** | 10 | Хужжатлар илова килинади | 10 | Экспертная | | |
| **RIZQ-BARAKA TAOMLAR MCHJ** | 10 | илова килинади | 1 | Экспертная | | |
| **ICE MILK MCHJ** | 10 | лойихани | 1 | Экспертная | | |

Критерий №2 Тўғри овқатланишни ташкил этиш юзасидан таомлар тайёрлаш технологияси бўйича камида 2 йиллик иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассислар (муҳандис-технолог, диетолог, ошпазлар) малака разрядлари кўрсатиши; (диплом, сертификатларива тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғриси маълумотлар)

Тип: Текстовое значение

Описание: Тўғри овқатланишни ташкил этиш юзасидан таомлар тайёрлаш технологияси бўйича камида 2 йиллик иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассислар (муҳандис-технолог, диетолог, ошпазлар) малака разрядлари кўрсатиши; (диплом, сертификатларива тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғриси маълумотлар)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO OZIQ-OVQAT NAM** | 10 | мавжуд маълумотнома иловаси | 10 | Экспертная | | |
| **"SHERALI SSS" МЧЖ** | 10 | Хужжатлар илова килинади | 8 | Экспертная | | |
| **RIZQ-BARAKA TAOMLAR MCHJ** | 10 | мавжуд | 4 | Экспертная | | |
| **ICE MILK MCHJ** | 10 | маълумот | 2 | Экспертная | | |

Критерий №3 Аутсорсинг хизматлари бўйича камида уч ойлик шартнома суммасига тенг айланма маблағларининг мавжудлиги; (банк маъулмотномаси)

Тип: Текстовое значение

Описание: Аутсорсинг хизматлари бўйича камида уч ойлик шартнома суммасига тенг айланма маблағларининг мавжудлиги; (банк маъулмотномаси)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO OZIQ-OVQAT NAM** | 15 | банк маълумотномаси илова килинади | 5 | Экспертная | | |
| **"SHERALI SSS" МЧЖ** | 15 | Хужжатлар илова килинади | 15 | Экспертная | | |
| **RIZQ-BARAKA TAOMLAR MCHJ** | 15 | илова килинади | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | |
| **ICE MILK MCHJ** | 15 | маълумотнома | 5 | Экспертная | | |

Критерий №4 Умумий овқатланиш хизматида камида икки йиллик тажрибага эга бўлиши;

Тип: Текстовое значение

Описание: Умумий овқатланиш хизматида камида икки йиллик тажрибага эга бўлиши;

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO OZIQ-OVQAT NAM** | 10 | малака хужжатлари илова килинади | 5 | Экспертная | | |
| **"SHERALI SSS" МЧЖ** | 10 | Хужжатлар илова килинади | 5 | Экспертная | | |
| **RIZQ-BARAKA TAOMLAR MCHJ** | 10 | малакавий хужжати | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | |
| **ICE MILK MCHJ** | 10 | иштаж | 5 | Экспертная | | |

Критерий №5 Мавжуд техникаси (балансида мавжудлиги бўйича маълумот ва фото лавхалар), молиявий ҳисоботлари (3 йиллик форма-1 ва форма-2 хисоботлар)

Тип: Текстовое значение

Описание: Мавжуд техникаси (балансида мавжудлиги бўйича маълумот ва фото лавхалар), молиявий ҳисоботлари (3 йиллик форма-1 ва форма-2 хисоботлар)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО OZIQ-OVQAT NAM** | 20 | илова килинади | 13 | Экспертная | | |
| **"SHERALI SSS" МЧЖ** | 20 | Хужжатлар илова килинади | 20 | Экспертная | | |
| **RIZQ-BARAKA TAOMLAR MCHJ** | 20 | моддий тех базаси илова килинади | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | |
| **ICE MILK MCHJ** | 20 | маълумот | 11 | Экспертная | | |

Критерий №6 2022-2023 йил куз-киш мавсуми захира режаси асосида озиқ овқат захираси мавжудлиги тўғрисида тасдиқланган маълумотнома. (картошка 12000 кг, сабзи 2000 кг, пиёз 2000 кг, гуруч 2500кг, карам 2000 кг ва бошқа махсулотлари).

Тип: Текстовое значение

Описание: 2022-2023 йил куз-киш мавсуми захира режаси асосида озиқ овқат захираси мавжудлиги тўғрисида тасдиқланган маълумотнома. (картошка 12000 кг, сабзи 2000 кг, пиёз 2000 кг, гуруч 2500кг, карам 2000 кг ва бошқа махсулотлари).

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО OZIQ-OVQAT NAM** | 10 | озик овкат захираси кафолатланади илова килинади | 9.5 | Экспертная | | |
| **"SHERALI SSS" МЧЖ** | 10 | Хужжатлар илова килинади | 9 | Экспертная | | |
| **RIZQ-BARAKA TAOMLAR MCHJ** | 10 | ТАКДИМ ЭТИЛАДИ | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | |
| **ICE MILK MCHJ** | 10 | маълумотнома | 9 | Экспертная | | |

Критерий №7 Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; (давлат активлар бошқармаси маълумоти), Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги. (биржа маълумоти)

Тип: Текстовое значение

Описание: Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; (давлат активлар

бошқармаси маълумоти), Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги. (биржа маълумоти)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO OZIQ-OVQAT NAM** | 10 | монополиядан олинган маълумот илова килинади | 10 | Экспертная | | |
| **"SHERALI SSS" МЧЖ** | 10 | Хужжатлар илова килинади | 10 | Экспертная | | |
| **RIZQ-BARAKA TAOMLAR MCHJ** | 10 | илова килинади | 10 | Экспертная | | |
| **ICE MILK MCHJ** | 10 | malumot | 10 | Экспертная | | |

Критерий №8 Солиқлар (солиқ маълумоти) ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг (банк маълумоти) мавжуд эмаслиги;

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқлар (солиқ маълумоти) ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг (банк маълумоти) мавжуд эмаслиги;

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO OZIQ-OVQAT NAM** | 5 | маълумотнома илова килинади | 2.5 | Экспертная | | |
| **"SHERALI SSS" МЧЖ** | 5 | Хужжатлар илова килинади | 2.5 | Экспертная | | |
| **RIZQ-BARAKA TAOMLAR MCHJ** | 5 | илова килинади | 1 | Экспертная | | |
| **ICE MILK MCHJ** | 5 | маълумот | 5 | Экспертная | | |

Критерий №9 Хизмат кўрсатувчи томонидан муассасанинг ошхона биноси учун киритилиши мумкин бўлган инвестиция маблағлари бўйича маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Хизмат кўрсатувчи томонидан муассасанинг ошхона биноси учун киритилиши мумкин бўлган инвестиция маблағлари бўйича маълумот.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO OZIQ-OVQAT NAM** | 10 | илова килинади | 10 | Экспертная | | |
| **"SHERALI SSS" МЧЖ** | 10 | Хужжатлар илова килинади | 10 | Экспертная | | |
| **RIZQ-BARAKA TAOMLAR MCHJ** | 10 | илова килинади | 1 | Экспертная | | |
| **ICE MILK MCHJ** | 10 | маълумот | 10 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО OZIQ-OVQAT NAM** | 693 000 000.00 | 667 590 000.00 UZS | 667 590 000.00 | 00.00 | 667 590 000.00 | 31.08.2022 10:52:23 | 09.27 |
| **"SHERALI SSS" МЧЖ** | 693 000 000.00 | 619 080 000.00 UZS | 619 080 000.00 | 00.00 | 619 080 000.00 | 31.08.2022 11:58:45 | 10.00 |

**Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей**

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ООО OZIQ-OVQAT NAM** | 67.5 | 9.27 | 76.77 |
| **"SHERALI SSS" МЧЖ** | 80.55 | 10 | 90.55 |
| **RIZQ-BARAKA TAOMLAR MCHJ** | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| **ICE MILK MCHJ** | Не прошел | Не прошел | Не прошел |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 142378 от 31.08.2022 года на приобретение Аутсорсинг хизмати Бюджет маблаглари определила победителем:

"SHERALI SSS" МЧЖ
204610973

и резервный исполнитель: ООО OZIQ-OVQAT NAM (308299832)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | XAKIMOV DAVRONBEK RUSTAMOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | TURSUNOV SOLIJON XXX | Согласен | |
| **Член комиссии** | SATTAROV ABDURAZZAK ABDUSAMINOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MUMINOV DOLIMJON SABIRJONOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | YUSUPOV KOMILJON EGAMBERDIYEVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП